

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ PhD.03/30.12.2019.I.60.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ**  
**ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

**ДЕХКАНОВ ШЕРЗОД АБДУМУТАЛИБОВИЧ**

**ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ АКЦИЯДОРЛИК**  
**ЖАМИЯТЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ МЕХАНИЗМИ**  
**САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**08.00.13-“Менежмент”**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Андижон-2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of the abstract of the dissertation of Doctor of Philosophy (PhD)**

**Дехканов Шерзод Абдумуталибович**

Курилиш материаллари саноати акциядорлик жамиятларида

корпоратив бошқарув механизми самарадорлигини ошириш .....3

**Дехканов Шерзод Абдумуталибович**

Повышение эффективности механизма корпоративного управления

в акционерных обществах промышленности строительных материалов .....27

**Dekhkanov Sherzod Abdumutalibovich**

Improving the efficiency of the corporate governance mechanism in joint

stock companies of the building materials industry .....51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 55

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ PhD.03/30.12.2019.1.60.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ**  
**ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

**ДЕХКАНОВ ШЕРЗОД АБДУМУТАЛИБОВИЧ**

**ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ АКЦИЯДОРЛИК**  
**ЖАМИЯТЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ МЕХАНИЗМИ**  
**САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**08.00.13-“Менежмент”**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Андижон-2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Iqt1516 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Фарғона политехника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.adu.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталига (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Аскарлов Нодирбек Ибрагимович**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Абдуллаев Абдужабор**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор  
**Хасанов Тохир Абдурашидович**  
иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори,  
доцент

**Етакчи ташкилот:** Наманган қурилиш муҳандислик институти

Диссертация химояси Андижон давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.I.60.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Тел./ факс: 0(374) 223-88-30, e-mail: agsu\_info@edu.uz.).

Диссертация билан Андижон давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Тел./ факс: 0(374) 223-88-30).

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**И.Ю.Умаров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси в.в.б., и.ф.д., доцент

**У.И.Мараимова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

**Қ.Муфтайдинов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда қурилиш саноати акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув механизми самарадорлигини ошириш ҳамда улар фаолиятига инновацияларни қўллаш, бошқарувнинг замонавий усулларида фойдаланиш иқтисодий тараққиётнинг асосий воситаларидан бирига айланмоқда. «COVID-19 нинг глобал қурилиш саноати бозор қийматига таъсири бўйича сўнги ҳисоб-китобларга кўра, 2019 йилга нисбатан 6% га яқин пасайиш ва ҳар йили йиллик ўсиш 2020 йилга нисбатан 1,2% га ўсиш кутилмоқда. Шунингдек, қурилиш саноати учун 2019 йилда бинолар соҳасидаги энергия самарадорлигига глобал сармоя 2 фоизга ошиб, тахминан 152 млрд. долларни ташкил этган»<sup>1</sup>. Бу эса, жаҳонда ўз навбатида қурилиш материаллари саноати акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув механизми самарадорлигини ошириб боришидан далолат беради.

Жаҳонда қурилиш материаллари саноати акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув механизми самарадорлигини оширишга қаратилган кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, қурилиш материаллари саноати акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини халқаро стандарт ва тамойиллар асосида такомиллаштириш, уни моделлаштириш ва унга таъсир этувчи омиллар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш, иқтисодий самарадорликни оширишда бошқарувнинг мослашувчан ва самарали усуллари синтезига асосланган инновацион ёндашувларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қурилиш материаллари саноати акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув механизми самарадорлигини ошириш имконини берувчи асосий омилларни бошқариш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш ҳамда рақобатбардошлигини ошириш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда қурилиш материаллари саноати акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув механизми самарадорлигини ошириш жараёнларини жадаллаштириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. 2021 йил 1 июнь ҳолатига кўра қурилиш соҳасидаги корхона ва ташкилотлар сони 43,3 мингтага, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5 мингтага кўпайган. Қурилиш корхоналари умумий сонининг 56,9% бино ва иншоотларни, 9,9% фуқаролик объектларини, 33,2% ихтисослаштирилган қурилиш ишларини қурилишига тенг бўлган<sup>2</sup>. Шунга кўра, қурилиш материаллари саноати соҳасида «корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усуллари жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш»<sup>3</sup>, «корпоратив ҳуқуқни ривожлантириш ва корпоратив бошқарувнинг замонавий тамойилларини халқаро

<sup>1</sup> [https://globalabc.org/sites/default/files/inline-files/2020%20Buildings%20GSR\\_FULL%20REPORT.pdf](https://globalabc.org/sites/default/files/inline-files/2020%20Buildings%20GSR_FULL%20REPORT.pdf), -p.26.

<sup>2</sup> <https://anhor.uz/uz/stroitelystvo-v-uzbekistane/zbekistonda-urilish-2021-tarmo-dagi-muammolar-uning-olati-isti-bollari/>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

тажрибани инобатга олиб жорий этиш»<sup>4</sup> бўйича устувор вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларнинг самарали ҳал этилиши акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқаруви самарадорлигини ошириш халқаро стандартлар асосида такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелда «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4720-сон, 2018 йил 2 апрелда «Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5392-сон, 2020 йил 13 мартда «Ўзбекистон Республикасининг қурилиш соҳасида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5963-сон, 2020 йил 27 ноябрда «Ўзбекистон республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6119-сон фармонлари, 2019 йил 20 февралда «Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4198-сон, 2019 йил 23 майда «Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4335-сон, 2021 йил 31 августда «Қурилиш материаллари саноатини кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5239-сон Қарорлари ҳамда бошқа меъерий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Қурилиш материаллари саноати соҳасида бошқарув механизмининг турли жиҳатларини ўз вақтида P.C.Kaplan, M.P.Devaki, M.K.Meskon, L.M.Stepanova, N.M.Melnikova, A.Mottaeva, A.Zheltenkov каби хорижлик олимлар томонидан ўрганилган<sup>5</sup>.

Қурилиш материаллари саноатида корпоратив бошқарув механизми самарадорлигини оширишнинг умумий муаммолари бўйича МДХ олимлари-

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5544-сонли Фармони. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>5</sup> Kaplan R.S., Norton D.P. Alignment: Using the Balances Scorecard to Create Corporate Synergies. Harvard Business Review Press, 2006-320 p; L M Stepanova, N M Melnikova Modern Problems of Management Efficiency in a Joint Stock Company. // Advances in Economics, Business and Management Research, volume 128 International Scientific Conference "Far East Con" (ISCFEC 2020), Devaki M.P. Application of Lean Management Techniques for Achieving Energy Efficiency in Building Construction: Procurement and Handling of Building Materials. 2016, P. 15; A.Mottaeva, A.Zheltenkov, I.Stukanova, S.Ryabichenko, and S.Zhuk Innovative Development of Building Materials Industry of the Region Based on the Cluster Approach. // MATEC Web of Conferences 73070267, 07026 (2016) DOI: 10.1051/mateccconf/2016.

дан<sup>6</sup> И.И.Мазур, Д.М.Михайлов, И.М.Герчикова, К.Уолш ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Ўзбекистонда Ш.Н.Зайнутдинов, Р.И.Нуримбетов, Л.М.Турикова, Ш.Ғ.Юлдашев, А.Дж.Мэтякубов, Ш.К.Курбаниязов, Д.Ю.Матризаева, И.П.Нажимов, Г.Ш.Хонкелдиева<sup>7</sup> каби олимлар қурилиш материаллари саноати акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув механизми бўйича умумий жиҳатларини кўриб чиққан. Лекин чуқур ва комплекс ҳолатда янги ўзгаришлар асосида етарлича тадқиқ этилмаган. Бу эса мазкур тадқиқот ишини янада долзарблигини белгилаб беради.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Фарғона политехника институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ИТД-3 «Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва модернизациялаш шароитида корхоналарнинг рақобатбардошлигини оширишни тадқиқ этиш, бошқаришнинг самарадор услуб ва технологияларини яратиш ҳамда такомиллаштириш» мавзуидаги амалий лойиҳа (2020-2022 йиллар) доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** қурилиш материаллари саноати акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув механизми самарадорлигини ошириш бўйича илмий таклиф, тавсия ва илмий хулосалар беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйдагилардан иборат:

қурилиш материаллари саноати акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув механизми самарадорлигини ошириш моҳияти ва унинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш;

қурилиш материаллари саноати акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув механизми тавсифи ва унинг бошқариш жараёнларининг баҳолаш жиҳатлари ҳамда хориж тажрибаларни тадқиқ этиш;

қурилиш материаллари саноати корхоналарини ривожланиш кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

---

<sup>6</sup> Мазур И.И. и др. Корпоративный менеджмент. - М.: Омега-Л., 2011. 781с.; Роговая Н.Н. Совершенствование корпоративного управления в акционерных обществах с государственным участием. автор: к.э.н., 2016, 32 с., Михайлов Д.М. Эффективное корпоративное управление (на современном этапе развития экономики РФ): учебно-практическое пособие/ Д.М.Михайлов.-М.: КНОРУС, 2010 с.27-28.; Герчикова И.Н. Менеджмент. - М.: ЮНИТИ, 2007, 480 с.; Крук М.Д. Современные формы и механизм корпоративного управления: методология и практика. - М.; 2000-с.357; Уолш К. Ключевые показатели менеджмента. - М.: Дело, 2001-23

<sup>7</sup> Юлдашев Ш.Ғ. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув. Т.: Академия, 2005 139 б.; Зайнутдинов Ш.Н., Рахимова Д.Н. Корпоратив бошқарув. - Т.: Академия, 2010, 69 бет.; Нуримбетов Р.И., Турикова Л.М.Корпоратив бошқарувда стратегик менежмент самарадорлигини ошириш йўллари// “Fan va texnologiyalar” 2010 у (Монография). Г.Ш. Хонкелдиева Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корпорацияларни бошқаришнинг илмий методологик асослари: иқт.фан.докт. автореф. Т.-2018й., Мэтякубов А.Дж. Қурилиш материаллари саноатига инвестицияларни жалб этишнинг бошқариш самарадорлигини ошириш («Ўзқурилишматериаллари» АЖ мисолида) : иқт.фан.бўй. фал. докт автореф. Т.-2019й., 51 б.; Курбаниязов Ш.К. Қурилиш материаллари саноатида корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини жорий этиш самарадорлиги: иқт.фан.бўй. фал. докт автореф. Т.-2018 й., 56 б.; Д.Ю.Матризаева Саноат корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини бошқаришни такомиллаштириш («Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси мисолида) : иқт.фан.бўй. фал. докт автореф. Т.-2021 й., 61 б.; И.П.Нажимов Қурилиш материаллари саноати корхоналарининг барқарор ривожланишини таъминлаш (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида):иқт.фан.бўй. фал. докт автореф. Т.-2021 й., 60 б.

қурилиш материаллари саноати акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув механизми самарадорлигини баҳолашнинг эконометрик модели орқали омилларнинг таъсирчан коэффициентларини аниқлаш;

қурилиш материаллари саноати акциядорлик жамиятларида молиявий-иқтисодий ва бошқарув самарадорлиги кўрсаткичлари таҳлили асосида тегишли илмий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш;

қурилиш материаллари саноати акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув механизми самарадорлигини ошириш йўллари;

қурилиш материаллари саноати акциядорлик жамиятларида инновацион бошқарув тизимини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистон Республикаси қурилиш материаллари саноати акциядорлик жамиятлари бошқарув фаолияти ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** қурилиш материаллари саноати акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув механизми самарадорлигини ошириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишида илмий мушоҳада, таҳлил ва синтез, таққослаш, эксперт баҳолаш усули, тизимли таҳлил, эконометрик моделлаштириш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

қурилиш материаллари саноати акциядорлик жамиятларида бошқарув самарадорлигини баҳолашга ёндашувни ўрта (0,4-0,65), яхши (0,66-0,85), юқори (0,86-1) молиявий-иқтисодий натижага таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омиллар орқали асосланган;

ишлаб чиқарилган ғишт маҳсулотларини ҳудудлар кесмида гуруҳлаш оралиқ мезонларини (0-50 млн.дона) “қоникарсиз”, (50-100 млн.дона) “ўрта”, (100-150 млн.дона) “рақобатбардош” ва (150 ва 200 млн.дона) “инновацион” шкалалар бўйича баҳолаш асосланган;

қурилиш материаллари саноати акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш ва цемент ишлаб чиқарувчилар учун фойда солиғининг ставкасини пасайтириш эвазига қўшимча имкониятларни 15% га оширилишига олиб келиниши асосланган;

қурилиш маҳсулотлари саноати акционерлик жамиятларида қурилиш материаллари хажмини 2021-2025 йиллар бўйича прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

қурилиш материаллари саноати акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигини оширишга нарх, кредит ва солиқ омилларини таъсири аниқланган;

қурилиш маҳсулотлари саноати акциядорлик жамиятлари бошқарувини ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш йўналишлари асосланган;

қурилиш маҳсулотлари саноати акциядорлик жамиятларида инновацион фаолиятини бошқариш алгоритми ишлаб чиқилган;



қурилиш маҳсулотлари саноати акционерлик жамиятларида қурилиш материаллари хажмини эконометрик моделлар ёрдамида прогноз параметрлари аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган методологик ёндашув, усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ахборот базасининг расмий манбаларидан, жумладан, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси, Давлат статистика қўмитаси ва Фарғона вилояти қурилиш материаллари саноати корхоналари маълумотлари ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг амалда синовдан ўтказилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан маъқулланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Ишнинг илмий аҳамияти қурилиш материаллари саноати акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув механизми самарадорлигини ошириш, улардан қурилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналар бошқаруви тизимини такомиллаштиришга бағишланган махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти қурилиш материаллари саноати акциядорлик жамиятларида бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш, унинг ишлаб чиқариш ҳамда инновацион бошқарув бўйича ишлаб чиқилган стратегик дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади. Диссертация ишининг назарий ва амалий таҳлилий материалларидан ОТМда «Қурилиш иқтисодиёти ва менежменти», «Қурилиш логистикаси» каби фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қурилиш материаллари саноати акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қурилиш материаллари саноати акциядорлик жамиятларида бошқарув самарадорлигини баҳолашга ёндашувни ўрта (0,4-0,65), яхши (0,66-0,85), юқори (0,86-1) молиявий-иқтисодий натижага таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омиллар орқали асосланган таклифи «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси аъзо корхоналар фаолиятига жорий этилган («Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмасининг 2021 йил 17 сентябр кунги 05/15-1080-сон маълумотномаси). Натижада бошқарув самарадорлиги “Кварц” АЖда 0,86, “Зарафшон Ойна” МЧЖда 0,91, Қизилқумцемент” АЖда 0,76 коэффицентда ҳамда корхоналарда ишлаб чиқариш фаолиятини яхлит ва узвий технологик жараён сифатида ташкил этиш даражаси ортган;

ишлаб чиқарилган ғишт маҳсулотларини худудлар кесмида гуруҳлаш оралиқ мезонларини (0-50 млн.дона) “қоникарсиз”, (50-100 млн.дона) “ўрта”, (100-150 млн.дона) “рақобатбардош” ва (150 ва 200 млн.дона) “инновацион” шкалалар бўйича баҳолаш таклифи «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси аъзо корхоналар фаолиятига жорий этилган («Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмасининг 2021 йил 17 сентябр кунги 05/15-1080-сон маълумотномаси). Бунда қурилиш маҳсулотлари саноати корхоналарида ғишт маҳсулоти худудлар кесмида гуруҳлаш оралиқ мезонлари, инновацион

лойиҳалар яратишга йўналтирилган, самарадорлиги даражаси юқори инновацион технологияларини танлаш, баҳолаш ҳамда уларни бошқариш имконини берган.

қурилиш материаллари саноати акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш ва цемент ишлаб чиқарувчилар учун фойда солиғининг ставкасини пасайтириш эвазига қўшимча имкониятларни 15%га оширилишига олиб келиниши асосланган таклифи «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси аъзо корхоналар фаолиятига жорий этилган («Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмасининг 2021 йил 17 сентябр кунги 05/15-1080-сон маълумотномаси). Натижада маҳсулот сотиш ҳажми “Кварц” АЖда 4,2%, рентабеллик даражаси “Зарафшон Ойна” МЧЖда 9,3% ошишига ҳамда даромад солиғи “Қизилқумцемент”, “Бекободцемент” ва “Оҳангаранцемент” АЖларда 20%дан 15%га камайишига эришилган;

қурилиш маҳсулотлари саноати акционерлик жамиятларида қурилиш материаллари ҳажмини 2021-2025 йиллар бўйича прогноз кўрсаткичлари бўйича таклифи «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси фаолиятига жорий этилган («Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмасининг 2021 йил 17-сентябр кунги 05/15-1080-сон маълумотномаси). Натижада қурилиш ишлари ҳажми 1%га ошиши, ўз навбатида қурилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 1,71%га, банд бўлганлар сони эса 1,91%, асосий капиталга жалб қилинган инвестиция ҳажмини 0,26%га ошишига имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот иши натижалари 2 та халқаро, 5 та республика илмий конференцияларида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация иши бўйича жами 10 та илмий иш, шу жумладан, ОАК рўйхатига кирувчи журналларда 4 та, хорижий журналда 1 та илмий мақола ҳамда 5 та тезислар нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 121 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистондаги фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Қурилиш материаллари саноати акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув механизми самарадорлигини оширишнинг илмий-назарий асослари**» деб номланиб, унда

қурилиш материаллари саноати акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув механизми самарадорлигини ошириш моҳияти ва унинг ўзига хос хусусиятлари, бошқарув механизми тавсифи ва бошқариш жараёнларининг баҳолаш жиҳатлари ҳамда хориж тажрибаларидан самарали фойдаланилиши тадқиқ қилинган.

Илмий адабиётларда «корпоратив бошқарув» тушунчаси бўйича кўплаб таърифлар берилган. Юқорида келтирилган таърифларда «бошқарув муносабатлари тизими», «кооперациялашган хўжалик бирлашмалар манфаатларини уйғунлаштириш», «ташкилий тузилмани муқобиллаштириш», «компанияни ички ва фирмалараро муносабатларини ҳосил қилиш» ва «агентлик муносабатларини муқобиллаштириш» каби тушунчалар билан фарқланади<sup>8</sup>. Қурилиш материаллари саноати акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув механизми асосан ўз ичига қуйидаги тушунчаларларни камраб олади: «бошқарув», «механизм», «ривожланиш» ва «тизим тузилмаси».

«Корпоратив бошқарув» тушунчаси ўзида комплекс қоида ва рағбатларни мужассам этиб, улар ёрдамида акциядорлар корхона раҳбарияти фаолиятини назорат қилади ва фойдани ҳамда корпорация қийматини ошириш мақсадида менежментга таъсир кўрсатади<sup>9</sup>.

И.В.Белинов корпоратив бошқарувни муносабатлар тизими сифатида қуйидаги хусусиятларини алоҳида ажратиб кўрсатади<sup>10</sup>: корпоратив муносабатлар қатнашчилари қизиқишларини, компанияни самарали фаолияти, унинг ижтимоий мақсади, умумий қизиқишларига мослигини таъминлашдаги масалаларни ҳал этиш бўйича компания эгалари, унинг менежерлари, ҳар хил акциядорлик гуруҳлари, яхлит компания ҳамда бошқа қизиқувчи томонлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизимини ташкил этади.

Бошқа манбаларда эса «корпоратив бошқарув – бу акциядорлик жамиятларини ижтимоий-иқтисодий мақсадлари, индивидуал гуруҳи ва ижтимоий манфаатлар ўртасида мувозанатни белгилаш жараёнидир. Бошқача айтганда, бу кооперациялашган хўжалик бирлашмаларининг манфаатларини уйғунлаштириш мақсадида улар ўртасидаги бошқарув муносабатлари тизимини шакллантиришдир»<sup>11</sup>.

Муаллиф фикрича, қурилиш материаллари саноати акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув – бу манфаатдор жамиятларни самарали бошқаришни ташкил этишдаги ташкилий-иқтисодий механизмлари самарадорлигини ҳамда бошқарув жараёнларини бирлаштирувчи мажмуи деб таъриф берган. Шу сабабли қурилиш материаллари саноати акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш ва цемент ишлаб чиқарувчилар учун фойда солиғининг ставкасини пасайтирилиши


<sup>8</sup> Толковые словари. Образовательный ресурс. [http // ww-/ edudic.ru /biz/20526](http://ww-/edudic.ru/biz/20526). – 642 с.

<sup>9</sup> Мансуров О.Б. Бозор иқтисодиёти шароитида корпоратив бошқарув. Монография. –Т.: Молия, 2008. 163б.

<sup>10</sup> Совет директоров как мировой стандарт корпоративного управления компанией / Под ред. И.В.Белинова. – М.: Эксмо, 2008. – С.12.

<sup>11</sup> Толковые словари. Образовательный ресурс. [http // ww-/ edudic.ru /biz/20526](http://ww-/edudic.ru/biz/20526). – 642 с.


эвазига қўшимча имкониятларни 15% га оширилишига олиб келиниши 1-расмда асосланган.



**1-расм. Қурилиш материаллари саноати акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигини ошишига таъсир кўрсатувчи иқтисодий омиллар<sup>12</sup>**

<sup>12</sup> Муаллиф ишланмаси.

Бошқарув самарадорлигининг баҳолаш жиҳатлари турлича ўрганилган. Аммо умумий мақсад бошқарув самарадорлиги орқали иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳисобланади.



## 2-расм. Қурилиш материаллари саноати акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш механизми<sup>13</sup>


Муаллиф фикрича, бошқарув самарадорлигини ошириш механизмини тавсифлаш учун қуйидаги кўрсаткичларни ўрганиш лозим: меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш жараёнларига кетган вақтларини оптималлаштириш, жараён ва маҳсулотлар сифатини ошириш, бизнес фаолиятини кенгайтириш, таннархни мувофиқлаштириш ва бошқалар.

Тадқиқотнинг «Ўзбекистон Республикаси қурилиш материаллари саноати акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув механизми самарадорлигини ошириш таҳлили» деб номланган иккинчи бобида қурилиш материаллари саноати корхоналарини ривожланишининг асосий тенденциялари, қурилиш материаллари саноати акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув механизми самарадорлигини баҳолашнинг эконометрик модели ҳамда қурилиш материаллари саноати акциядорлик жамиятларида молиявий-иқтисодий ва бошқарув самарадорлиги кўрсаткичлари таҳлилини ёритишга бағишланган.

Ҳозирги кунда қурилиш фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорларни ривожлантириш мамлакатимиз миллий иқтисодиётини мустақамлашнинг энг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳасида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотларнинг умумий сони 40,9 мингтани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 4,7 мингтадан ошган. Мазкур кўрсаткични 2016 йилга нисбатан таққосланса, 19160 тага кўпайган. Қурилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони 2016 йилни мос даврига нисбатан 185,4 фоизга ошган. Республика миқёсида фаолият юритаётган корхоналар таркибида қурилиш корхоналарининг улуши 8,6 фоизни ташкил этган.

<sup>13</sup> Муаллиф ишланмаси

Таҳлил давомида, кейинги йилларда қурилиш ишларининг ЯИМдаги улуши 2010-2020 йиллар оралиғида ортган. Баъзи йилларда олдинги йилга нисбатан камайганлигини кўриш мумкин 2010 йилда қурилиш соҳасининг ЯИМдаги улуши 11,1%, 2011 йилда эса 9,8%га тушган. Ушбу кўрсаткич 2020 йилда 15,1%ни ёки қурилиш соҳасини ўсиши эса 9,1%га тенг бўлган. Бундан кўриниб турибдики, ўтган йиғирма бир йил ичида қурилиш соҳасининг ЯИМдаги салмоғи ортган.



**3-расм. ЯИМ ва қурилиш соҳасидаги ўсишнинг 2000-2020 йиллардаги ҳолати<sup>14</sup>**

Қурилишнинг асоси бўлган цемент маҳсулотини ишлаб чиқариш борасида ҳам тизимли ишлар йўлга қўйилган. 2020 йилда мамлакатимизда цемент ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган 29 та корхона бўлиб, уларнинг йиллик қуввати 20 млн. тоннани ташкил қилган. Бунда “Қизилқум цемент”, “Оҳангарон цемент”, “Қувасой цемент”, “Бекобод цемент” акциядорлик жамиятлари сингари йирик ишлаб чиқарувчиларнинг ҳиссаси катта. Жумладан, Жиззах цемент заводи, «Фарғона цемент» ва «Зарафшон Ойна» МЧЖлар ҳамда «Кварц» АЖни ишлаб чиқариш ҳажми юқори даражадалигини кўриш мумкин.

Қуйида номлари айtilган жамиятларда асосий фондларининг баланс қиймати ва солиқ тўлангунга қадар бўлган фойдаси келтирилган. Бу кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда асосий фондларнинг фонд қайтими бўйича 2018-2020 йиллар оралиғида 8 та жамият бўйича, яъни рентабеллик даражаси аниқланган. Ушбу кўрсаткичлар 2020 йилда бўйича «Бекобод цемент» АЖда 17,4%, «Қизилқум цемент» АЖда 37,1%, «Қувасой цемент» АЖда 17,1%, «Оҳангарон цемент» АЖ-23,8%, «Кварц» АЖ-26%, Жиззах цемент заводи-21,1%, «Зарафшон Ойна» МЧЖ- 23,3%, «Фарғона цемент» МЧЖ- 22,1%ни ташкил этган.

Натижани янада аниқроқ белгиласак, солиқ тўлангунга қадар бўлган фойда ишлаб чиқаришга авансланган капиталнинг неча фоизини ташкил

<sup>14</sup> Давлат статситика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

этишини кўрсатиб беради. Кўриб чиқиладиган 2018-2020 йилларда кўрсаткичлари таҳлил қилинадиган қурилиш материаллари саноати жамиятларида асосий фондлар қийматини ортиб бориши ва унинг натижасида рентабеллик даражаси ҳам ортиши ўртасидаги ўзаро боғлиқлик аниқланган.

### 1-жадвал

#### Қурилиш материаллари саноати жамиятларида асосий фондларни фонд қайтими усули орқали рентабеллик даражаси<sup>15</sup>

Жамиятлар	Вилоятлар	2018	2019	2020
<b>Асосий фондларнинг баланс қиймати (млн. сўм)</b>				
«Бекобод цемент» АЖ	Тошкент	6456342	7634342	8894564
«Қизилқум цемент» АЖ	Навоий	9567987	10940123	11002234
«Қувасой цемент» АЖ	Фарғона	4973452	5234734	6752235
«Оҳангарон цемент» АЖ	Тошкент	7621308	8834345	9221084
«Кварц» АЖ	Фарғона	7682265	8645342	9456765
Жиззах цемент заводи МЧЖ	Жиззах	634723	714231	812342
«Зарафшон Ойна» МЧЖ	Навоий	734561	812213	855671
«Фарғона цемент» МЧЖ	Фарғона	645124	745341	834512
<b>Солиқ тўлагунга қадар бўлган фойдаси (млн. сўм)</b>				
«Бекобод цемент» АЖ	Тошкент	1220249	1381816	1547654
«Қизилқум цемент» АЖ	Навоий	2478109	3938444	4081829
«Қувасой цемент» АЖ	Фарғона	944955,9	1010304	1154632
«Оҳангарон цемент» АЖ	Тошкент	1829114	2482451	2194618
«Кварц» АЖ	Фарғона	1982024	2740573	2458759
Жиззах цемент заводи	Жиззах	143447,4	199270,4	171404,2
«Зарафшон Ойна» МЧЖ	Навоий	149115,9	200616,6	199371,3
«Фарғона цемент» МЧЖ	Фарғона	124508,9	175900,5	184427,2
<b>Асосий фондларнинг фонд қайтими бўйича рентабеллик даражаси (фоиз хисобида)</b>				
«Бекобод цемент» АЖ	Тошкент	18,9	18,1	17,4
«Қизилқум цемент» АЖ	Навоий	25,9	36	37,1
«Қувасой цемент» АЖ	Фарғона	19	19,3	17,1
«Оҳангарон цемент» АЖ	Тошкент	24	28,1	23,8
«Кварц» АЖ	Фарғона	25,8	31,7	26
Жиззах цемент заводи	Жиззах	22,6	27,9	21,1
«Зарафшон Ойна» МЧЖ	Навоий	20,3	24,7	23,3
«Фарғона цемент» МЧЖ	Фарғона	19,3	23,6	22,1

Бу боғлиқлик асосий фондларнинг, фонд қайтимини ўзгариши асосида жамиятда иқтисодий самарадорлик қандай ҳолатда эканлигини баҳолаш имконини беради.

Қурилиш материаллари саноати акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлиги кўрсаткичлари, меҳнат унумдорлиги, маҳсулот таннархини мувофиқлаштирувчи кўрсаткичлари ҳам аниқланган. Меҳнат унумдорлиги деганда, битта ходимнинг бир вақт бирлиги (соат, смена, ой, чорак, йил) давомида ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат) ҳажмининг миқдори (натурал, натурал-шартли, қиймат, меҳнат) ёки бир маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга сарф қилинган вақт бирлиги билан ўлчаниши

<sup>15</sup> Манба: Жамиятнинг бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

тушунилади<sup>16</sup>. Шунингдек, қурилиш соҳасидаги жамиятларда меҳнат унумдорлиги, бошқарув самарадорлиги аниқланган (2-жадвал)

## 2-жадвал

### Қурилиш материаллари саноати акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш кўрсаткичлари

Жамиятлар	Вилоятлар	2018	2019	2020
<b>Бошқарув самарадорлиги (коэффициент)</b>				
«Бекобод цемент» АЖ	Тошкент	0,86	0,88	0,91
«Қизилқум цемент» АЖ	Навоий	0,79	0,86	0,76
«Қувасой цемент» АЖ	Фарғона	0,71	0,89	0,91
«Оҳангарон цемент» АЖ	Тошкент	0,69	0,71	0,81
«Кварц» АЖ	Фарғона	0,86	0,81	0,86
«Фарғона цемент» МЧЖ	Фарғона	0,85	0,87	0,89
<b>Меҳнат унумдорлиги (бир ходимга тўғри келадиган ишлаб чиқилган маҳсулот хажми, млн. сўм миқдорида)</b>				
«Бекобод цемент» АЖ	Тошкент	0,70	0,75	0,71
«Қизилқум цемент» АЖ	Навоий	0,52	0,56	0,59
«Қувасой цемент» АЖ	Фарғона	0,61	0,65	0,69
«Оҳангарон цемент» АЖ	Тошкент	0,53	0,51	0,58
Жиззах цемент заводи	Жиззах	0,72	0,75	0,71
«Фарғона цемент» МЧЖ	Фарғона	0,75	0,78	0,73

Қурилиш материаллари саноати акциядорлик жамиятларида бошқарув самарадорлигини баҳолашга ёндашувни ўрта (0,4-0,65), яхши (0,66-0,85), юқори (0,86-1) молиявий-иқтисодий натижага таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омиллар орқали асосланган. Шунингдек, бошқарув самарадорлиги кўрсаткичи 2020 йилда «Бекобод цемент» АЖ- 0,91, «Қувасой цемент» АЖ- 0,91, «Кварц» АЖ- 0,86, «Фарғона цемент» МЧЖ- 0,89 га тенг яъни юқори, «Қизилқум цемент» АЖ-0,76, «Оҳангарон цемент» АЖ- 0,81 коэффициентга тенг бу корхоналар яхши бўлган. Шунингдек, акциядорлик жамиятларидаги меҳнат унумдорлиги бир ходимга тўғри келадиган ишлаб чиқилган маҳсулот хажми «Бекобод цемент» АЖ- 0,71 млн.сўм, «Оҳангарон цемент» АЖ- 0,58 млн.сўм, «Фарғона цемент» МЧЖ -0,73 млн.сўмга тенглиги аниқланган.

Шунингдек, ишлаб чиқарилган ғишт маҳсулотларини худудлар кесмида гуруҳлаш оралиқ мезонларини (0-50 млн.дона) “қоникарсиз”, (50-100 млн.дона) “ўрта”, (100-150 млн.дона) “рақобатбардош” ва (150 ва 200 млн.дона) “инновацион” шкалалар бўйича баҳолаш асосланган. Жумладан, республикамізда 2019 йилда ғишт ишлаб чиқариш бўйича “қоникарсиз” энг паст Сирдарё (33,2 млн.дона), Самарқанд (39,4 млн.дона), Тошкент шаҳри (47,0 млн. дона) ва Жиззах (48,8 млн. дона), “ўрта” мезон бўйича Андижон (53,7 млн.дона), Наманган (63,7 млн. дона), Фарғона (97,7 млн. дона), “рақобатбардош” мезонига Хоразм (103,6 млн. дона), Бухоро (144,7 млн. дона), “инновацион” шкала бўйича Тошкент вилояти (331,9 млн. дона) вилоятларга тўғри келган. (3-жадвал).

<sup>16</sup> ИрматоваЗ.Б. Корхоналарда меҳнат унумдорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлашни такомиллаштириш йўллари. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2015 йил, -Б.3.



### 3-жадвал

#### Статистик гуруҳлаш асосида ишлаб чиқарилган ғишт маҳсулотларини худудлар кесмида таҳлили<sup>17</sup>

№	Гуруҳлаш оралиғи (млн.дона)	Вилоятлар	Ишлаб чиқарилган қурилиш ғишти ҳажми, (млн. дона)				2019 йилда 2016 йилга нисбатан ўзгариши	
			2016 й	2017 й	2018 й	2019 й	(+; -)	%
1	“Қоникарсиз” (0-50)	Сирдарё	30,5	27,4	42,7	33,2	2,7	1,1
		Самарқанд	66,4	68,5	64,2	39,4	-27	0,6
		Тошкент ш.	56,1	56,8	53,1	47,0	-9,1	0,8
		Жиззах	27,7	28,5	50,7	48,8	21,1	1,8
2	“ўрта” (50-100)	Андижон	74,4	62,1	84,6	53,7	-20,7	0,7
		Наманган	82,3	83,0	100,5	63,7	-18,6	0,8
		Навоий	151,9	158,5	115,6	63,7	-88,2	0,4
		Қашқадарё	84,3	116,4	96,7	78,9	-5,4	0,9
		Сурхондарё	74,2	87,6	111,0	81,2	7	1,1
		Фарғона	105,2	969,8	121,9	97,7	-7,5	0,9
3	“рақобатбардош” (100-150)	Хоразм	139,6	167,5	160,3	103,6	-36	0,7
		Бухоро	162,3	147,4	135,3	144,7	-17,6	0,9
4	“инновацион” (150-200)	Тошкент	363,8	385,9	517,6	331,9	-31,9	0,9

Жумладан, 2016 йилда 360 млн. доллар инвестиция соҳага жалб қилинган бўлса, ўтган 2019 йилда ушбу кўрсаткич 1 млрд 332 млн. долларга етказилди. Унинг 680,4 млн. доллари хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобига тўғри келади.

### 4-жадвал

#### Қурилиш материаллари саноати акционерлик жамиятларида қурилиш ишлари ҳажмига таъсир кўрсатувчи омиллар ўзгариши<sup>18</sup>

Ўзгарувчи	Модель коэффициенти	Стандарт хатолар	t-Стъюдент мезони	P-қиймати
C	-23,1570	8,67874	-2,668	0,0321
lnX <sub>1</sub>	1,70843	0,774329	2,206	0,0431
lnX <sub>2</sub>	1,91382	0,626511	3,055	0,0185
lnX <sub>3</sub>	0,267900	0,263510	1,017	0,0342
R <sup>2</sup> -Детерминация коэффициенти	0,98	Боғлиқ ўзгарувчининг ўртача қиймати		10,229
Текисланган R <sup>2</sup> - Детерминация коэффициенти	0,983	Боғлиқ ўзгарувчининг стандарт четланиши		0,785
Регрессиянинг стандарт хатоси	0,102	Акайкенинг ахборот модели		-15,785
Қолдиқлар квадратлари йиғиндиси	0,07	Шварцнинг ахборот модели		-14,193
Максимал ўхшашлик функциясининг қиймати	11,9	Hannan-Quinn criter		-16,788
F - Фишер мезони	192,1	DW-Дарбин-Уотсон мезони		1,64
Prob (F - Фишер мезони)	0,000			

Қурилиш материаллари саноати акционерлик жамиятларида таъсир этувчи омилларнинг қурилиш ишлари ҳажми эмпирик моделга таъсирчан

<sup>17</sup> Муаллиф ишланмаси

<sup>18</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

коэффициентлар кўйилиб, кўп омиллик эконометрик модел функцияси тузилди:

$$\ln y_t = -23,1570 + 1,70843 \cdot \ln x_{1t} + 1,91382 \cdot \ln x_{2t} + 0,2679 \cdot \ln x_{3t}$$

$t$                        $(-2,668)$                        $(2,206)$                        $(3,055)$                        $(1,017)$

Одатда, детерминация коэффициенти  $[0;1]$  кесмада қийматларни қабул қилади. Коэффициент қиймати 1 га қанчалик яқин бўлса, боғлиқлик шунчалик кучли ҳисобланади. Мазкур ҳолатда детерминация коэффициентининг 0,98 қийматга тенг бўлиши, моделда мазкур иқтисодий кўрсаткичлар ўртасида етарли даражада кучли боғлиқлик мавжудлигини билдиради. Моделларни турли миқдордаги омиллар билан таққослаш имконияти бўлиши ва ушбу миқдордаги омиллар  $R^2=0,983$  қийматига тенг бўлиши ва унинг  $R^2$  га яқинлиги, моделнинг таъсир этувчи омиллар сони ўзгариши афрофда қийматлар қабул қилинишини билдиради.  $F$ -мезоннинг ҳақиқий қиймати  $F_{\text{ҳисоб}}=192$  га ёки  $F_{\text{жадвал}}=4,68$  га тенг. Агар ҳақиқий қиймат жадвалдаги қийматдан ката бўлса, у ҳолда тузилган кўп омилли эконометрик модель статистик аҳамиятли ёки ўрганилаётган жараёнга адекват дейилади.

Стьюдентнинг  $t$ -мезони ҳисобланган ( $t_{\text{ҳисоб}}$ ) ва жадвал ( $t_{\text{жадвал}}$ ) қийматларини таққослаб, ишончлилик эҳтимоли  $\alpha = 0,05$  ва озодлик даражаси  $d.f.=10-3-1=6$  бўлганда,  $t$  - мезоннинг жадвал қиймати  $t_{\text{жадвал}}=2,1448$  га тенг.

Қурилган моделлар орқали қурилиш ишлари ҳажми ва унга таъсир этувчи омилларнинг 5-жадвалда бир неча прогноз варианты ишлаб чиқилиб улардан энг оптимал вариантлари танланган.

## 5-жадвал

### Омилларининг энг оптимал прогноз моделлари

№	Кўрсаткичлар	Прогноз моделлари	MAPE
1	Қурилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони, мингта	$X1 = 16375,0 - 957,706 \cdot t + 229,549 \cdot t^2$	5
2	Қурилиш соҳасида бандлар сони, минг киши	$X2 = 887,255 + 103,973 \cdot t - 7,28182 \cdot t^2$	3,99
3	Асосий капиталга инвестиция, млрд сўм	$X3 = 10860,8 \cdot (1,29778)^t$	7,25

Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ҳажмини ифодаловчи асосий кўрсаткичларни қуйидагича белгилаб олдик:

Y- қурилиш ишлари ҳажми (млрд.сўм);

$X_1$ — қурилиш соҳасида фаолият юритаётган корхоналар сони (минг дона);

$X_2$ —қурилиш соҳасида бандлар сони (минг киши);

$X_3$ —асосий капиталга инвестиция.

Республикада ялпи ички маҳсулот ҳажми 2025 йилга бориб, қурилиш ишлари ҳажми таъсирида 943 трлн. сўм (2020 йил нархларида) бўлиши, ёки 2020 йилдагидан 167 фоизга ошиши кутилар экан.

Илмий изланишларимизга асосланиб 2025 йилга бориб республикада қурилиш материаллари ҳажми 192301 млрд.сўм бўлиши, қурилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 59816,2 мингта, қурилиш соҳасида

бандлар сони, 986,67 минг киши ташкил этиши, асосий капиталга инвестиция 703169 млрд. сўм бўлиши аниқланди.

6-жадвал

**Қурилиш маҳсулотлари саноати акционерлик жамиятларида  
қурилиш ишлари хажмига таъсир этувчи омилларни 2021-2025  
йиллардаги прогноз кўрсаткичлари<sup>19</sup>**

Йиллар	Ялпи ички маҳсулот хажми, млрд сўм	Қурилиш материаллари хажми, млрд сўм	Қурилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони мингта	Қурилиш соҳасида бандлар сони, минг киши	Асосий капиталга инвестиция, млрд сўм
	Z	Y	X <sub>1</sub>	X <sub>2</sub>	X <sub>3</sub>
2021	630611,10	105548	37937,6	1086,35	247891
2022	703052,263	124629	42718,6	1008,27	321707
2023	779418,81	145448	47958,7	915,64	417503
2024	859708,67	168005	53657,9	1002,44	541826
2025	943920,19	192301	59816,2	986,67	703169

Соҳанинг вазифаси замонавий қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари билан инвестицион қурилиш мажмуасининг эҳтиёжларини тўлиқ қондириш ва қабул қилинадиган иқтисодий кўрсаткичларга эга стандартлар ҳамда меъёрлар талабларига жавоб берадиган кенг турдаги маҳсулотлар билан таъминлашдир.

Ҳозирги вақтда ушбу вазифага мувофиқликни қуйидаги асосий йўналишларда амалга ошириш орқали эришиш мумкин:

-чет эл технологиялари ва усуллари кузатиш орқали инновацион жараёни фаоллаштириш, шунингдек илмий-ўқув ва ишлаб чиқариш муаммоларини самарали ҳал этиш ва соҳанинг кадрлар салоҳиятини оширишга йўналтирилган инновацион ишлаб чиқариш илмий кластерни яратиш;

-соҳанинг инвестицион жозибадорлигини ошириш ва қурилиш материаллари саноатининг ривожланиш суръатлари ўсиши учун турли молиялаштириш манбаларидан инвестицияларнинг кенг жалб қилинишини таъминлаш;

-янги технологияларни қўллаш орқали энергия ва ресурсларни тежаш, бошқа ёқилғи ва хомашё манбаларига ўтиш, масалан, цемент ишлаб чиқаришнинг «қурук» усулини фойдаланиш орқали сезиларли ўсишга эришиш;

-соҳа корхоналарининг жойлашувини яхшилаш, уларнинг мамлакат бўйлаб бир текис жойлашишини таъминлаш ва шу билан тайёр маҳсулотни етказиб бериш учун транспорт харажатларини камайтириш.


<sup>19</sup> Муаллиф томонидан ҳисобланган

Натижада соҳанинг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши унинг инвестицион қурилиш жараёнининг замонавий талабларига юқори даражада мувофиқлигини таъминлаши керак. Бу сармоядорлар учун янги объектларни қуриш имкониятларини сезиларли даражада оширади ва мамлакатда инвестицион жозибадорликни янги босқичга кўтаради.

